

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

460 Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошша-
хартрансхизмат» уюшмаси ҳамда Тошкент шаҳар
хокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракати-
ни лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти фаолия-
тини ташкил этиш тўғрисида» 2006 йил 18 январдаги
ПҚ–262-сонли қарорига ўзгартиш киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида» 2013 йил 9 октябрдаги ПҚ–2048-сонли қарорига мувофиқ ҳамда шаҳар йўловчи транспорти ташкилотларининг даромадларини ошириш орқали уларнинг молиявий-иқтисодий ҳолатини янада мустаҳкамлаш, йўловчилар учун қулайликлар яратиш ва йўловчилар ташиш сифатини яхшилаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошшахартрансхизмат» уюшмаси ҳамда Тошкент шаҳар хокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2006 йил 18 январдаги ПҚ–262-сонли қарори 4-бандининг тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

2. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Закиров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти вазифасини бажарувчи

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2016 йил 29 сентябрь,
ПҚ–2616-сон